



ТАРИХ МУЗЕЙЛАРИДА КЎЧМА ДАРСЛАР ЎТКАЗИШНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИ

Болтаева Озода

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри

7-мактаб тарих фани ўқитувчиси

Аннотация. Мактаб музейларини ташкил қилиш ва унда кўчма машғулот ўтказишнинг самарали жиҳатлари. Тарих музейларида кўчма дарслар ўтказишнинг аҳамияти. Тарих музейларида кўчма дарслар ўтказишнинг муҳим жиҳатлари

Тарих ўқитишда музей ва саёҳатлар усулларида фойдаланиш тарихий билимни мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга. Бу усулнинг энг қулай томони мактабда музей ташкил қилиш ва экспонатлардан тарих дарсида фойдаланишдир.

“Умумий таълим узлуксиз давлат таълими тизимида асосий бўгин бўлиб, таълим олувчилар илмий билим, меҳнат ва бошланғич касбкор кўникмалари, ишбиларманлик асосларини эгаллашларини, шунингдек ўз ижодий қобилиятлари ва маънавий фазилатларини ривожлантиришларини таъминлайди”, - дейилади. Умуман олганда мактабда Ўзбекистон халқлари тарихи ўқитишнинг асосий вазифаси - ўқувчиларга тарих фанидан пухта билим бериш, шу билимларни амалиётда қўлланиш кўникмалари ва маҳоратини ҳосил қилиш, дунёқарашини шакллантиришдан иборат.

Умумтаълим мактабларида ўтиладиган тарих курсининг баъзи бир вазифаларини услубчи А.А.Вагин қўйидаги босқичларда ифодалаб берган:

1. Ўқувчилар тарихий жараённи ва тарихий ривожланишнинг ҳамма босқичлардаги ижтимоий ҳаётнинг турли томонларини характерлаб берувчи муҳим тарихий асосларни пухта узлаштириб олган бўлишлари лозим.

2. Тарихий асосларни ўзлаштириш натижасида ўқувчилар тарихдаги асосий воқеаларни, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни, ҳамда уларнинг ривожланиб боришини акс эттирувчи аниқ тарихий тасаввурлар тизимини ҳосил қилишлари лозим.



3. Ўқувчилар мактаб тарих курсидаги муҳим тарихий тушунчаларни пухта ўзлаштириш жамиятнинг ижтимоий ривожланиш қонуниятларини мукамал тушуниб етиши, тарихни ўз ешига қараб илмий асосда ҳар томонлама бўлиб олиши лозим.

4. Ўқувчилар тарих курсидан олган билим ва малакаларини янги тарихий материалларни ўрганишда, ўтмиш ва ҳозирги замон воқеаларини тушунишда, кундалик ижтимоий ишларда, ҳаётда қўллай билишлари лозим.

5. Ўқувчилар тарихий материал билан, ҳар хил материаллар, дарслик, тарихий ҳужжатлар, илмий оммабоп-адабиет, сиесий рисоалар, рўзнома ва ойномалар, хариталар билан ишлай билиши, режа туза олиши, тарихий материални тизимни ва асосли баён қила билиши, айрим тарихий мавзуларда ахборот бера олиши, маърузалар қила олиши лозим.

Юқорида кўрсатилган вазифалар бевосита ўрта мактабларда Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитишда ҳам асос бўла олади, шунинг учун ҳам ўқувчилар билимини асосий тарихий факторлар билан бойитиб чуқурлаштириб бориш мактабда тарих ўқитишнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Масалан, ўқувчилар Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганиш жараенида Ўзбекистон жамият тараққиетининг ҳар бир тарихий босқичида одамлар қандай яшаганини, ҳукмдорликка асосланган синфий давлатлар қандай вужудга келганлигини, айниқса Ўрта Осиё халқларининг ўз озодлиги ва мустақиллиги учун чет эл босқинчиларига форслар, македонияликлар, араблар, муғулларга қарши олиб борган қаҳрамонона курашларини, ўзбек халқи билан қардош халқлар ўртасидаги қадимдан давом этиб келаётган иқтисодий, сиесий ва маданий алоқаларни, булардан ташқари мустақил Ўзбекистон давлатининг ҳозирги даврдаги саноати, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданияти ютуқларини, қисқаси, фақат Шарқда эмас, балки жаҳон тарихида ўзининг мустақил йўлига эга бўлган давлатга айланаётганлиги ва бошқа факторларни пухта билишлари керак.

Умуман олганда, тарихий фактларни ўзлаштириш таълим-тарбия жиҳатидан ҳар қанча муҳим бўлса ҳам, фактларни билишнинг узи ўқувчиларнинг тарихни билиш жараенидаги биринчи босқичдир.

а) Тарихни билиш жараёни фактларни ўзлаштиришдан бошланади. Тарихий фактлар 2 турда бўлиши мумкин. Биринчидан ягона воқеаларни акс эттирувчи фактлар. Улар такрорланмайди. Масалан: ”Лой жанги”; “Анқара жанги” ва ҳоказо. Иккинчидан: тарихий ҳодиса туридаги фактлар. Улар маълум бир тарихий давр хусусиятларини акс эттиради. Масалан: барҳина ва оброк булар феодализм даврига хос булган қарам деҳқонларнинг тўлами. У маълум бир ижтимоий тузумга хос бўлган тарихий факт. Яна бир мисол: Саноат тунтарилиши - бу қўл меҳнатидан машинага ўтишни белгилайдиган жараён.

б) Ўқувчиларни пухта билимлар билан қуроллантиришда тарихий тасаввур ва тушунчаларни ҳосил қилиш, қонуниятларни тушуниб олишнинг аҳамияти ҳам каттадир. Тарихий тасаввур билан тушунчалар бир-бири билан узвий боғланган. Ўқувчиларда ҳодисалар, тарихий жараёнлар ҳақида етарли даражада тўлиқ ва аниқ тасаввурлар мавжуд булгандагина тушунчалар ҳосил бўлади. Тарих ўқитиш жараенида ўқувчиларнинг тасаввурлари чуқурлашиб бориш натижасида тушунчаларни шакллантириш учун замин яратилади. Тушунчалар ўз навбатида тасаввурларни мазмунан бойитиб, аниқлаштириб боришга ердан беради. Тарих ўқитишда айниқса, Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитишда ўқувчиларнинг кўз ўнгида ўтмишдаги ижтимоий ҳаётнинг яхлит манзараларини шакллантиришда жонли ва ерқин образлардан фойдаланишнинг аҳамияти каттадир.

Тасаввурларни шакллантиришда тарихий ҳодисалар образларини ўқувчилар фаол суратда идрок этишга қаратилган усуллардан фойдаланади. Ўқитувчи ҳикоясининг мазмунан кургазмали ва образли бўлиши, дарслик матнидаги тарихий ҳужжатлардаги воқеа ва тасвирий элементлар, бадиий адабиёт асарлари ўқувчиларда тарихий тасаввурларни шакллантиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Ўқитувчи материални баён қилаётганда, тарихий ҳужжатлардан, илмий- оммобоп ва



бадий адабиёт асарларидан олинган ёрқин тавсилотларга ҳамда ўқувчилардаги мавжуд тасаввурларга суянган ҳолда иш тутади, ўқувчиларнинг тарихга қизиқишининг ортиши, уларнинг муҳим тафсилотларни ажратиб олиши ва эса сақлаб қолишлари ёрдам беради. Бирок, ўқитувчи кургазмали қуролни шундайгина кўрсатиб унинг мазмунини тушунтириб, ҳужжатларни ўқиб қоя қолмай, балки ҳикоядан энг муҳим жойларни алоҳида таъкидлаши, кўргазмали қуролларни, матнларни ўқувчиларнинг фаол иштирокида таҳлил қилиб, ундаги энг муҳим элементларни ажратиб чиқиши, ўрганилган ҳужжатлардаги, у еки бу жиҳатларга улар диққатини жалб қила билиши керак.

в) Тарихий тасаввур масаласининг аҳамиятига К.Д.Ушинский уз вақтида катта эътибор берган эди. 40-йилларда: Н.В.Андреевская, В.А.Бернадский. Албатта саноат тунтарилиши католистик алоқаларнинг шаклланиш даврига ҳам фактдир. Воқеалар ва ҳодисалар ўртасида боғлиқликлар ҳамма вақт мавжуд. Масалан: Андижон кўзғолони, Тошкентдаги кўзғолонлар-бу колониал яъни мустақил даврига оид бўлган озодлик ҳаракати бўлиб ҳисобланади. Бунда ягона воқеалардан-озодлик ҳаракати-яъни тарихий ҳодиса тушунтирилади. Тарихий ҳодисани очиб кўрсатиш орқали ўз навбатида тарихий воқеаларнинг аҳамиятини ва сабабини билишга ердам беради. Масалан, капиталистик давлатлар орасида қарама-қаршиликларнинг ўсишини урганиш орқали биринчи жаҳон урушининг келиб чиқиш сабаблари ва характерини билиб. ўзлаштириб олиш мумкин.

Фактлар-бу теоретик хулоса ва умумийлаштириш учун асос бўлиб ҳисобланади. Тарихда фақат фактлар билан чекланиб, фактологияга айлантормаслик керак. Шунингдек агар етарли фактларга таянмай умумийлаштиришлар кўп ўрин олсада тарихни ўқитиш-социологияга айланар эди. Чунинг учун уларни ақлга мувофиқ биргаликда фойдаланиш зарур. Фактлар еш хусусиятларига қараб танлаб олинади. Билимни умумийлаштириш ва тизимга солиш-бу тарихни билиш инструменти ҳисобланади. А.И.Стражев, А.А.Вагин, 70-йилларда П.В.Гора, Н.И.Запорожуц,

Ф.П.Коровкин ва бошқа u1091 услубчилар аниқ (конкрет) тарихий тасаввурларни ҳосил этиш ҳақидаги назарияни ривожландиришга ҳисса қўшдилар.

Ўқитиш жараёнининг саморадорлигини таъминлаш учун нима ҳақида тарихий тасаввур ҳосил қилиш заруриятини билиш керак. Уларни куйидагича ҳосил қилиш мумкин:

1) жамият ҳаётининг барча томонларини ўз ичига олувчи ўтмиши факторлари ҳақида: моддий ҳаёт:(меҳнат асбоби, одамларнинг касби, хўжалик соҳалари в.х.) ижтимоий-сиёсий ҳаёт. (ҳар хил синф вакиллари ҳақида қўл, феодал; давлат тузими ҳақида в.х), тарихий шахслар ҳақида (лашкар боши, сиёсий арбоб в.х.), ҳарбий тарих воқеалари ҳақида (қуролланиш, ҳарбийларнинг кийим-кечаклари (мундирлар). ҳарбийларнинг жангдаги соп тизимлари в.х.), тарихий-маданий ҳаёт ҳақида (халқ ҳаёти, тасвирий санъат в.х.).

2) Тарихий вақт ҳақида (яъни маълум бир тарихий фактнинг маълум бир вақтга алоқаси). У жамиятнинг ривожланишини, формацияларнинг алмашинишини тушунишга ёрдам беради.

3) Тарихий кенглик ҳақида. Бунда тарихий география ёрдам беради. Масалан: элларни жуғрофик жойлашуви иқтисодий ривожланиш сабабларини тушунтиради, уруш операцияларининг бориши, халқларнинг жойлашиш сабабларини тушунишга имконият беради.

Тараққий тасаввурни айниқса V-VIII синф ўқувчиларида шакллантиришда кўпинча образлиликка эътибор берилади. Сабаби уларда тарихий билим захираси оз. Айниқса V-VII синфларда кўрсатмали ўқитиш аҳамиятга эга. Унда иллюстрациялар, аппликация, ўқитиш картиналари қўлланилади.

Фактлар ҳақидаги тарихий тасаввурни ҳосил қилишда сонларни (цифр) мақсадга мувофиқ фойдаланиш керак. Масалан: Мисрдаги Хеопс эҳромининг баландлиги 150 метр деган билан 5-синф ўқувчисининг эътиборини торта олмаслик мумкин. Шунинг учун бу ўқувчиларга таниш бўлган нарсаларни қўшиб мисол келтирамиз. Масалан:



ушбу эҳромнинг баландлигини тасаввур қилиш учун, Термиз шаҳридаги 16 қаватли бинонинг учтасининг баландлиги бўйича қўшиб тасаввур этамиз десак, ўқувчиларда қизиқиш уйғотилади.

Ўқувчиларда қизиқишни кучайтиришда эса албатта мактаб тарих музейлари ва Давлат музейларида кўчма дарсларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Мактаб, синф хужжатларини юритишга тайёрмисиз? Илғор ўқитувчилар иш услуби билан қуролланганмисиз? Дарсларни янги педагогик технологиялар асосида ташкил эта оласизми? Ўз дарсингиз болалар қалбидан жой олган-олмаганини аниқлай олиш малакасига эгамисиз? Ота-оналар билан суҳбатлашишга қобилиятингиз етарлими? Мактабдаги энг илғор ўқитувчиларга эргашасизми ёки ўзингиз илғормисиз? Юқорида, сиз мактабга биринчи қадам қўйган кунингизданок дуч келадиган муаммоларни эслатдик, холос.

Илмсизлик бошқа касбларда дастлаб билинмаслиги мумкин. Аммо мактабда илмсиз муаллимни болалар бир соатлик дарсдаёқ билиб оладилар.

Қалбингиз иссиқ бўлса, иссиқ тандирга ёпилган нон лаҳзада ширмойга айланганидек, ширмой сўзингиздан болалар қалбига ширмой кулчалар кўчаверади. Қалбингиз меҳрсиз, ҳароратсиз бўлса, совуқ тандирга хамир ёпишганидек кулга ботган кулчалар қолади, холос. Бунда бола қалби хира тортиб, хира ёғду эса ўчиб тамом бўлади. Бу бола сиздан умидини узди, дегани.

Дўст ачитиб гапирар, душман кулдириб, бу насихатлар бугун аччиқ туюлсада, эртанги кунингизни ёруғ қилгай.

Умр бўйи муаллимлик қилиб, таълим-тарбия бобида юзлаб илмий-услубий мақолалар, шеърлар, ҳикоялар ўйин дарслар, рисоалар битганимиз билан Абдулла Авлонийнинг мингдан бир қадамига ета олганимиз йўқ.

Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандий, Саид Мир Кулол ҳазратларининг қадамлари осмон баровар чўққидирлар.

Муаллимлик йўли машаққатли йўлдир. Бу йўлдан ҳар ким ҳам юра олмайди. Юрагида ўти, алангаси бор, қалби нурга тўлган одамгина муаллим бўла олади. Муаллим шу нур билан олис манзилларни кўра олади. Шу нур ила ўзгалар қалбини ёрита олади. Бу манзил Авлоний, Навоий каби буюк зотлар манзилдир. Бу буюк зотлар қаерда-ю, мен қаерда, - деб руҳингизни чўқтирсангиз, кўзлаган мақсадга эриша олмайсиз. Ҳар бир касбнинг ўз машаққати ва юксаклиги бор. Шу юксакликка машаққат чекиб эришилади. Ҳазрат Саид Мир Кулол айтганларидек, "олов дарёси" бўлса ҳам кечиб ўтсангизгина, кўзлаган манзилингизга етасиз.

"Илм-фандан сўз очилган жой-жаннат боғларидан саналади", - деб машойхларимиз беҳуда айтмаганлар. Мактаб ҳам жаннат боғларидандир. Шу сабабли мактаб остонасига қадам қўяётган ҳар бир муаллим баркамол инсон бўлмоғи зарур.

Биз муаллимлар ўқувчиларни фикран эргаштириша олиш қобилиятга эга бўлишимиз, аниқроғи кўнгил бўстанимиз мафтункор бўлиши лозим. Бу осонликча юзага келмайди. Бунинг учун кўп илм олишимиз, ўрганишимиз керак. Аслида "муаллим" деб умр бўйи ўқиб, изланадиган касб эгаларига айтамыз. Муаллим ўқимай қолган кунидан бошлаб муаллимлигидан ажралади. **"Ким ўрганишни уят, ор демаса, сувдан дур топади, тошдан лаъл, олмос"** - деган эди Низомий ҳазратлари.

Ўқитувчи учун мактаб иккинчи уйдир. Уйнинг обод ва файзли бўлиши хонадон эгаларига боғлиқ.

Муаллим мактабга пок ният ила келиб, яхши ниятлар ила чиқиб кетиши даркор. Ифво, жанжаллар, тарафкашлик мактаб жамоасининг обрўсини йўқотади.

Мактабда ўқитиладиган барча фанлар бир-бири билан боғлиқдир. Улар бир-бирига кўмак бериб, бир-бирини тўлдириб боради. Фан ўқитувчилари ҳам бир-бирини қўллаб, ҳамфикр бўлсагина, уларнинг билими бойиб боради. Мактаб жамиятнинг юрагидир. Мактабга чинаккам мусиқачи, чинаккам рассом керак. Акс ҳолда ўқувчиларда ватанга ҳам, ота-онага ҳам, табиатга ва жамиятга ҳам меҳр-



муҳаббат уйғота олмаймиз. Қоронғуликни чироқлар ёритсагина, йўловчи адашмай манзилга етади. Муаллим ҳам ҳаёт йўлини ёритгувчи зиёкор, манзилга элтгувчи сарбондир.

Мактабда табиий фан ўқитувчилари табиат қонунларини англашиб, ёшлар онгини чироқдай ёритиб турсалар, табиат қонунлари бузилмайди. Жисмоний тарбия муаллимларини транспорт ҳайдовчиларига ўхшатаман. Улар машинани зийраклик билан бошқариб, одамларни эҳтиёткорлик билан манзилга етказдилар. Бу соҳа муаллимлари ҳам ҳар бир ўқувчига зийраклик ва эҳтиёткорлик билан ёндошиб, уларни катта йўлга соғлом ва бақувват олиб чиқишда бор куч-ғайратларини аямайдилар.

Урчуқда пахта толаси ипга айланади. Ипдан мато тўқилади. Мактабда меҳнат таълими муаллимнинг сўзларидан ўқувчилар қалбида касб-корга муҳаббат ўйғонади. Амалий машғулотлар замирида жамият учун уқувли касб эгалари шаклланади.

Дунёни билиш чет тилини ўрганишдан бошланади. Болаларнинг маънавий оламиини бойитишда, уларда ўтмиш меросимиз, мумтоз адабиётимиз, она ватанимиз, эл-юрт, муқаддас замин, она табиатга муҳаббат, садоқат ва меҳр туйғуларини тарбиялашда тарих, она тили ва адабиёт муаллимлари маъсулдирлар.

Муаллим боғбон бўлса, унинг боғидаги мевалар ўқувчилардир. Бу меванинг мазали, ширин бўлиши боғбоннинг боққа қандай ишлов беришига боғлиқ.

Ўқитувчи ҳаёт синовидаги одам. У доим ўқувчилар, ота-оналар ва жамоатчилик эътиборидадир. Шунинг учун ҳам у бошқалардан кўпроқ нарса билиши, ақлли ва зукко бўлиши керак.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: «Маънавият», 2008 й.
2. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: «Шарқ», 1997



3. Замонавий дарс. Илмий-методик тўплам. А.Авлоний номидаги ХТХҚТМО-МИ.- Т., 2007 й.

4. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари: -Тошкент.: «Ўқитувчи», 2004 й.

